



ҚУДРАТ ҲИКМАТНИНГ ТАРЖИМА МАҲОРАТИ

Тўраева Дилором Джуракуловна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
катта илмий ходим, Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти катта илмий ходими

Аннотация: Мақолада ўзбек болалар адабиётининг ривожланишида адабий таъсир жараёнлари тадқиқ этилган. Мақола объекти сифатида жаҳон адабиётининг етакчи намоёндалари Самуил Маршак, Сергей Михалков, Юрий Коринец ва бошқаларнинг Қудрат Ҳикмат томонидан ўзбек тилига таржима қилинган шеърлари танланган ва уларнинг ўзбек болалар адабиёти тараққиётида тутган ўрни белгиланган.

Калим сўзлар: болалар адабиёти, тарбиявийлик, таржима, миллийлик, бола психологияси.

Аннотация: В статье изучаются процессы литературного влияния в развитии узбекской детской литературы. В качестве объекта статьи выбраны стихотворения корифеев мировой литературы Самуила Маршака, Сергея Михалкова, Юрия Коринца и др., переведенные на узбекский язык Кудратом Хикматом, и определена их роль в развитии узбекской детской литературы.

Ключевые слова: детская литература, воспитание, перевод, национальность, детская психология.

Abstract: The article studies the processes of literary influence in the development of Uzbek children's literature. The object of the article is the poems of world literature luminaries Samuil Marshak, Sergei Mikhalkov, Yuriy Korinets and others, translated into uzbeq by Kudrat Hikmat, and their role in the development of uzbeq children's literature is determined.

Keywords: children's literature, education, translation, nationality, child psychology.

Миллий адабиётнинг шаклланишида, унинг ривож топишида бошқа халқлар адабиётининг ҳам аҳамиятга эга эканлиги маълум ҳақиқатдир. XX аср ўзбек болалар адабиётининг ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшган Қ.Ҳикмат ҳам ўз халқининг тиниб-тинчимас ижодкори сифатида ўзбек болалар адабиёти хазинасининг бойишида ўз таржималари билан иштирок этди. У рус болалар шоирларидан С.Маршак, С.Михалков, Ю.Коринец, арман шоири Г.Боряннинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, ёш китобхонларга тақдим этди. Улардан бири Самуил Маршакнинг “Ёнғин” асари таржимасидир. Қ.Ҳикмат таржимада “Ёнғин” асарини юксак бадиияти, тилининг содда ва равонлиги, муаллифнинг маҳорати, воқеалар ривожининг бориши, барча бадий тасвир безакларини имкон қадар тўлалигича таржима қилишга ҳаракат қилган. Асарда халқ тинчлиги, хотиржамлиги, саломатлиги йўлида жонини ҳам қурбон





қилишга тайёр “сергак соқчилар”, довюрак, мард ва жасур ўт ўчирувчиларнинг машаққатли меҳнатлари, иш фаолиятларини асардаги Лена образи воситасида тасвирланган. Ленанинг ойиси бозорга кета туриб, қизига:

*- Узоқ эмас бозор ер.
Бориб келай бўлмай кеч,
Тошқўмирга тўла печ.
Яланиб ёнар гур-гур,
Тегма,
Ёвуз ўт қурғур!*

(“Менинг юрагим”, 155.)

дейди, аммо қизча онаси ҳали уйдан узоқлашмай туриб, жуда “чиройли ёнаётган” оловни кўриш мақсадида печнинг оғзини очади, оловнинг учқуни полга сачраши натижасида уйга ўт кетади. Воқеалар ривожини ана шу тариқа бошланади. Қ.Ҳикмат таржима жараёнида нафақат асар бадииятини сақлаб қолиш, балки уни янада кучайтириш мақсадида бадиий тасвир воситаларини маҳорат билан қўллайди ва натижада табиийликка эришади. Унинг бу ҳаракатларини қора тутунни алвастига, қора булутга қиёслашида - “Уй ичини алвасти - // Тим қора тутун босди;”, Уй тўла сассиқ дудга, // Ўхшар қора булутга; асар қаҳрамони Кузманинг ҳаракатларини ғолибликка тенглаштирганида “Кузманинг гайрат, кучи - // Ёнгиндан ғолиб чиқди; Ленага совға қилган мушукчанинг кўринишини тасвирлашдаги сифатлашларда “Ма, сенга бир мушукча // Митти кўз, оқ тумшукча” каби мисраларда кўриш мумкин (асарнинг асл вариантыда бундай тасвир воситалари қўлланилмаган). Яна бир эътиборли жиҳат, Қ.Ҳикмат асарнинг асл вариантыдан фарқли равишда таржима жараёнида отряд командирини, “чорраҳада нур сочиб турган” светофорни ҳам “сўзлатади”, бу эса асар жонлилигини таъминлайди, чунки воқеани учинчи шахс тилидан эмас, балки иштирокчилар тилидан эшитиш ёш китобхон учун янада мароқли ва ишонарлидир. Асарнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш, ўзбек менталитетига хос бўлган миннатдорчилик ҳиссини намоён қилиш мақсадида “Раҳмат олиб команда, // Жўнар гараж томонга” мисраларининг қўлланилиши эса ўзбек китобхонига асар таржимасини эмас, асл вариантыни ўқиётгандек таассурот қолдирса, ажаб эмас.





С.Маршак “Ёнғин” асарида асосий воқеага ўтишдан аввал, ёш китобхонга ўт ўчирувчиларнинг вазифалари, уларнинг ўтмишдаги миноралари, юқорига учириладиган шарлари ҳақида ахборот бериб, сўнгра ҳозирги кунга келиб ўт ўчирувчиларни бир кўнғироқ билан чақириш мумкинлигини тўғрисидаги маълумотларни бирма-бир айтиб беради. Теранроқ эътибор берадиган бўлсак, Қ.Ҳикмат ҳам ўз асарларини яратишда айнан шу йўлдан борган. Унинг қайси бир шеърини олманг, шоир асосий мавзуга ўтишдан аввал, албатта китобхонни шу мавзуга оид дастлабки ахборот билан таништиради, сўнгра асосий сюжетга ўтилади. Фикримиз далилини “Сув”, “Шамол ботир”, “Мих”, “Устун”, “Зинапоя”, “Китоблар”, “Қалам”, “Тунафша”, “Электр аррачи”, “Пўлат қуювчи” каби шеърларда кўриш мумкин.

Қ.Ҳикматнинг “Тутун” шеъри “Ёнғин”дан таъсирланиш маҳсули бўлса ҳам ажаб эмас, чунки оловнинг жонлантирилиши, тутун билан уришиши, уни муштлиши каби сюжетлар “Ёнғин”да ҳам мавжуд.

“Ёнғин”даги онанинг болани, яъни Ленани уйга ташлаб кетиши, унга эҳтиёт бўлиб ўтиришни тайинлаш сюжетига ўхшаш воқеани Қ.Ҳикматнинг “Бўлган экан ...” шеърини кўриш мумкин. “Ёнғин”дан фарқли равишда бу шеърда она бозорга эмас, тўйга боради ва “Бўлган экан...” шеъри ҳажвий шеър бўлгани сабабли воқеалар тамоман ўзгача тус олади. Аммо асарнинг бошланғич нуқталари бир-бирига ўхшаш.

Бола психологиясидан шу нарса маълумки, у катталар қилма деган ишни албатта қилишга ва унинг натижасини билишга ошиқади, нимага катталар бу нарсани таъқиқлапти, деган савол уларга ҳар доим қизиқарли туюлади. Юқоридаги асар, назаримизда, ана шу саволга жавоб тарзида яратилган, уни ўқиган китобхон катталарга қулоқ солмаслик натижаси қандай оқибатларга олиб келишини билиб, ўзига тегишли хулоса чиқаради. Демак, Қ.Ҳикматнинг “Ёнғин” асарини таржима қилиши, бир томондан, ўзбек болалар адабиёти хазинасини яна бир асар билан бойитишга ҳисса қўшиш бўлса, иккинчи томондан, ёш китобхонни ҳушёрликка даъват этиш, катталарнинг гапига беътибор бўлмасликка чорлашдан иборатдир.

Таржима қилинган асарлар ичида Зоҳиджон Обидов билан биргаликда таржима қилинган С.Михалковнинг “Стёпа амаки - милиционер” асари ҳам ўзига хослиги билан ўзбек болалар адабиётида муҳим аҳамият касб этади. Асардаги





собиқ флотчи Стёпа амакининг милицияда хизмат қилиши ва барчанинг жонига оро кириб, қўлидан келган ёрдамни беминнат бериши турли воқеалар мисолида ҳикоя қилинади. Таржиманинг ўзига хослигини белгилайдиган қирралардан бири, аввало ритмик мусиқийликда акс этган:

Нима бўлди вокзалда?(7)

Беш ёшли бола залда(7)

Онасин излаб йиғлар,(7)

Энди қайдан топилар?(7)

Бола ҳўнграр, бақирар,(7)

Тўпланишар оломон.(7)

Постовойни чақирар,(7)

Пайдо бўлар у шу он.(7)

(“Менинг юрагим”, 162.)

Етти бўғинли бу асарда мусиқийлик, аввало, бўғинлар миқдорининг бир хил такрори натижасида юзага келса, иккинчидан ижодкорларнинг қофиядош сўзларни моҳирона танлаши натижасида янада кучаяди. Таржимадаги диққатга сазовор ҳолатлардан яна бири, “вокзалда” сўзининг 2 сўзли “бола залда”га, “оломон” сўзининг 3 сўзли “у шу он”га қофияланиши ўша давр адабиётида янгилик эди. Бадий санъатнинг айнан шу кўринишини Қ.Ҳикматнинг “Сув” шеърида ҳам кўриш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, таржима жараёнида воқеалар ривожига қараб банднинг иккилик, тўртлик, олтилик, саккизлик ва ўнлик сингари турли кўринишлари қўлланилган. Аммо асарнинг асосий қисми тўртлик банд тузилишида яратилган. Таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган энг асосий жиҳат, ижодкорларнинг фақат шаклга эмас, балки мазмунга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, шакл ва мазмун уйғунлигини, шеър бадийятини янада кучайтиришга ҳаракат қилганликларидир. “Стёпа амаки - милиционер” асарининг таржимаси ўзбек болалар адабиётида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар ривожига муҳим аҳамият касб этиб, ёш китобхонни касбга йўналтириш, уни атрофдагиларга нисбатан эътиборли бўлишга ундайди.

Қ.Ҳикмат С.Михалковнинг “Телефон” шеъридан таъсирланиб ўзининг “Ажойиб аппарат” номли шеърини яратган. Маълумки, телефон аппаратида фойдаланиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган. Адабиёт эса ҳамиша давр билан ҳамнафас. Бу янгиликни уни кенг оммага таништириш мақсадида





ижодкорлар давр янгиликларини ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Шу маънода Қ.Ҳикмат “Ажойиб аппарат” шеърини С.Михалковнинг “Телефон” шеърига ҳавас қилган ҳолда “ўзбекчалаштирилган” вариантда яратган. “Ажойиб аппарат”да уйга телефон ўрнатилганидан хурсанд болакай, телефон гўшагини олиб бирма-бир дўстларига телефон қила бошлайди. Муаллиф дўстлар суҳбатига уларнинг айнан ўқишини, тўғарақдаги фаолиятини асос қилиб олиб, шеърнинг адреслилигига ишора қилади. С.Михалковдан фарқли равишда шеър қаҳрамони циркка эмас, балки ТЮЗга (Ёш томошабинлар театрига – Д.Т.) кўнғироқ қилиб, билет сўраш баробарида, телефоннинг қулайликларини тасвирлайди ва муаллиф шеър ниҳоясида телефонни асраб-авайлаш кераклигини, уни беҳудага ўйнаш мумкин эмаслигини ёш китобхонга таъкидлайди:

Лекин бўш деб ўйлама,

Ҳар нечукка ўйнама.

Билиб ол, мамлакатда

Унинг хизмати катта.

(“Менинг юрагим”, 49.)

Бизнингча, мана шу сўнгги мисраларнинг ўзиёқ Қ.Ҳикматга янада илҳом бағишлаб, унинг “Темиржон билан телефон” шеърининг яратилишига ҳам замин бўлган. “Темиржон билан телефон” шеъри Темиржон исмли болакайнинг дастидан бузилиб қолган телефон аппарати тилидан баён қилинган. Қиладиган ишининг тайини йўқ, телефонни “эрмак қилар эрта-кеч” бу болалай ҳеч кимнинг гапига кирмасдан, будкадаги телефон аппаратини бузиб кўяди. Кун кеч бўлганда, “зараркунанда” уйга келиб қараса, онасининг тоби йўқ, ҳарорати баланд, “Тез ёрдам” чақириш учун телефонга югурса, телефон бузук:

Дастлаб сўзга кирмади,

Кўзи энди очилди.

Билмай нима қиларин,

Хаёллари сочилди.

Онажони инграрди,

Дарди оғир сезилиб.

Темир чопар врачга

Юрак-бағри эзилиб.

Қанча тез йўл босса ҳам

Поёнсиздек туюлар.

Пешонадан дувиллаб

Қоп-қора тер қуйилар.

(“Менинг юрагим”, 68.)





Инсонлар орасида шундайлари борки, бировнинг дардини ўзида ҳис қилмагунча уни тушуниши қийин, шеър қаҳрамони Темиржон ҳам телефон ўзига қанчалик зарурлигини ҳис қилмагунча, унинг қадрига етмади. Муаллиф шеърни яратишда бадий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланганини, унинг телефонни жонлантириб: *“Томоқларим хириллаб, / Нафас йўлим қисилар. Теккан сари бекорга / Томирларим қирсиллар”* мисраларида, *арз-дарз, қисилар-қирсиллар, очилди-сочилди, сезилиб-эзилиб, туюлар-қуюлар* каби қофиядош сўзларининг қўлланилишида кўриш мумкин. Бу бадий санъатларнинг қўлланилиши эса шеър бадииятининг мукамаллигини таъминловчи муҳим омиллардир.

Арман шоири Гурген Боряннинг рус тилидаги “Да и нет”¹ тўпламининг ўзбек тилидаги “Ҳа ва йўқ”² деб номланган таржимаси алоҳида эътиборга сазовор. Чунки мазкур тўпламдаги (“Менинг онам” шеъридан ташқари - Д.Т.) таржималар Қ.Ҳикматнинг ҳеч қайси шеърий тўпламига киритилган эмас, ваҳоланки, муаллиф бу тўпламда турли мавзулардаги 21 та шеърни ўзбек тилига таржима қилган ва албатта, бу таржималар шоир бадий маҳоратининг ривожига ўзининг самарали таъсирини кўрсатган, десак хато бўлмаса керак.

Таржима тўпламидаги “Соя” шеъри Қ.Ҳикматнинг “Соя” шеъри билан ҳамоҳангдир. Таржимадаги “Соя” қаҳрамони ўз соясини дугона сифатида қабул қилиб, унинг кун бўйи ҳамроҳлигидан хурсанд, аммо соясининг бир камчилиги бор, у ҳам бўлса бир оғиз сўз демайди, кун бўйи юради-ю, на нон ва на сув сўрайди. Қ.Ҳикмат “Соя”сининг қаҳрамони эса соясини чошгоҳдан сўнг қидира бошлайди, унинг қаерга кетганини билолмай боши гаранг, шунда бобоси сояни бевафо дўстга қиёслаб, шундай дейди:

*Куюшли кун парвона,
Яқин ошнанг сингари.
Аммо ташлаб кетади
Бўлса булут кунлари.
 (“Менинг юрагим”, 127.)*

¹ Борян Гурген. Да и нет (перевод В.Саркисян). – Москва: Детская литература, 1958. – 48 б.

² Борян Гурген. Ҳа ва йўқ (Қудрат Ҳикмат таржимаси). – Тошкент: Ёш гвардия, 1961. – 46 б.





Қ.Ҳикматнинг “Шамол ботир”и ҳам “Ҳа ва йўқ” тўпламидаги “Шамол” шеъри таржимасидан адабий таъсирланиш маҳсулидир, чунки “Шамол ботир” шеъри Қ.Ҳикматнинг 1961 йилгача чоп этилган тўпламларида мавжуд эмас. “Шамол” шеъри қаҳрамони шамолни ўз тенгдошидай кўриб, у билан суҳбат куради:

*Шамол ҳадеб ўкириб,
Йиғлаб тегдинг жонимга.
Ундан кўра меҳмон бўл,
Келиб менинг уйимга.*

*Эшигимиз олдида
Шовқин соласан доим.
Бас қилгин билиб қолса,
Сени уришар ойим.
 (“Ҳа ва йўқ”, 46.)*

“Шамол ботир” шеъри эса юқоридаги шеърдан фаркли равишда учинчи шахс тилидан баён қилиниб, шамолнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Муаллиф шамолнинг булутни ҳайдашини, тегирмонни шопиришини, шамолсиз ток ҳосил бермаслигини, гулларни чанглатишини ва ҳатто дил чигалин ёзишини бирма-бир сўзлаб, ёш китобхоннинг шамол ҳақидаги тасаввурини янада бойитади. Қ.Ҳикмат рус шоири Юрий Коринец ижодидан илҳомланиб, “Сенинг изинг” шеърини яратган. Шеърда инсон қаерга бормасин, нима қилмасин, ҳеч қачон из қолдирмай юролмаслигини, у хоҳ қорда, хоҳ қумда, хоҳ ўрмону, хоҳ экинзорда бўлмасин, унинг ортида албатта из қолишини айтади. Муаллиф шеърда ўз “мен”ини намоён қилиб, инсонларни ҳар доим ўзидан сўнг яхши ном ва софдил инсонлар қалбида ҳам из қолдиришга чорлайди.

Юқоридагилардан кўринадикки, Қудрат Ҳикмат ўз ижодини шакллантириш, уни ривожлантириш йўлида тинмай меҳнат қилган, изланган, жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишиб, улардан бадиий маҳорат сирларини ўрганган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳикмат Қудрат. Менинг юрагим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 174 б.
2. Борян Гурген. Ҳа ва йўқ. (Қудрат Ҳикмат таржимаси). – Тошкент: Ёш гвардия, 1961. – 46 б.
3. Борян Гурген. Да и нет. – Москва: Детская литература, 1958. - 48 с.
4. Қуронов Д., Мамажонов З. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 398 б.
5. Михалков С. Бола бошидан. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 200 б.





6. Михалков С.В. Воспитательная сила литературы. – М.: Просвещение, 1983. – 304 с.
7. Иброҳимова З. Мусаффо олам ҳайратлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 22 б.
8. Иброҳимова З. Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 32 б.
9. Арзамасцева И.Н., Николаева С.А. Детская литература. – М.: Издательский центр «Академия»; Высшая школа, 2000. – 472 с.
10. Турдиева К. XX асрнинг 60–80–йилларида ўзбек болалар шеърлятида маънавий масалалари. – Тошкент: Адабиёт учқунлари. – 2013. – 87 б.

